Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 11 декабрь жума № 244 (21.342).

ИСТИҚЛОЛ МАШЪАЛИ, ТИНЧЛИК ПОСБОНИ, ҲАҚСЕВАР, ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Махсус фотомухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган)

Мутал БУРХОНОВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи



Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 10 декабрь куни ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Иўлдошев** бошқарди.

Парламент Олий Кенгаш комитетлари тузилиши ва уларнинг таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Муталов** сессиянинг кечаги мажлисида ахборот берганидан сўнг нойиблардан тушган саволларга жавоб қайтарди.

Олий Кенгаш айрим халқ нойибларининг нойиблик ваколатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Адлия вазири **М. Маликов** бир гуруҳ халқ нойибларининг «Бирлик»нинг ғайриқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги саволларига жавоб қайтарди. Олий Кенгаш Адлия вазирлиги ва Республика прокуратурасига шу ҳаракат раҳбариятининг ғайриқонуний фаолиятини текшириб, қонунга мувофиқ чора кўришни топширди.

Маданият ва маданий меросни асраш масалалари комитетининг раиси **П. Қодировнинг** Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медалларига доир таклифларини ўрганиш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Олий Кенгаш Республика Давлат мадҳиясини тасдиқлади ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримов** нутқ сўзлади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тугаллади.

● «Ўзбекистон овози» газетаси ва унинг иловаси «Оснё бозори»нинг қўшма сони.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ МАЖЛИСИ

10 декабрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг республика Олий Кенгаши XI сессияси якунларини, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, партия Раиси И. А. Каримовнинг сессиядаги нутқида баён этилган қоидаларни тарғиб этиш ва тушунтиришга доир вазифалари кўриб чиқилди.

Шу нарсани қониқиш билан айтиш лозимки, Конституция матнида бошланғич партия ташкилотларидан Марказий Кенгашгача бўлган бутун партиямизнинг кўп сонли таклиф ва истаклари, Марказий Кенгашнинг VI пленуми ушбу масала бўйича ишлаб чиққан сиёсий нуқтаи назари тўла ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси тарихий аҳамиятга молик сиёсий ҳужжатдир.

Сиёсий ижроқўм республика Президентининг сессиядаги нутқи катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этди.

Қабул қилинган қарорда Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессияси якунларини, Ўзбекистон Конституцияси ва республика Президенти, партиямиз Раиси И. А. Каримов нутқининг мазмуни ва моҳиятини партиянинг барча бўғинларида муҳокама этишни ҳамда меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида тарғиб қилишни йўлга қўйишни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига топширди. Бу ишга, Конституция лойиҳасини муҳокама этиш даврида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, партиямиз аъзоси бўлган халқ депутатлари, олимлар, ҳуқуқ-тартибот идораларининг малакали ходимларини жалб этиш, партия йиғилишлари, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқот ва мунозаралар, газета, телевидение ва радиодан, хулласи, тарғиботчиликнинг самарали шаклларидан кенг фойдаланиш тавсия этилди.

Шунингдек, Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ёшлик» ойномасига ҳаммуассис бўлишини ҳамда Марказий Кенгаш раҳбариятининг республика соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ўтказилган учрашуви якунларини маъқуллади, партия ҳаётига таллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот марказа.

ДЎППИ

Дўппи киймай қўйди одамлар.
Бир шоир, бир носирдан бошқа.
Сочлар силлиқ, силлиқ қадамлар,
У оғирлик қилмоқда бошга...
Рост дўппилар
Ёлғон дўппилар,
Киноларда қолғон дўппилар.
Чуст дўппилар.
Анжон дўппилар,
Мунчоқдек Марғилон дўппилар...
Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан ўзга.
Мен ҳам сизга бердим саволлар,
Шляпамни бостириб кўзга.
Дўппи киймай қўйди одамлар,
Кўнгил эса кўрмоқ тусайди.
Маданият гуллаган дамлар
Каллага эътибор сусайди!
Дўппи киймай қўйди одамлар
На уйида ва на кўчада.
Шукур Бурҳон, Ғафур Ғуломлар
Ечган дўппи қолди токчада...
Бу қандайин кўргулик, савдо,
Дўппи киймай қўйди халойиқ,
Бошга лойиқ дўппи йўқми, ё,
Бош қолмади дўппига лойиқ?!

Муҳаммад ЮСУФ.

ЭРКАКЛАРГА ҚОЛГАН ИШ

— Дадаси, байрамда сизга совға олай, деб икки соат навбатда турдим. Мана, чиройли кўйлак олдим.

— Ҳа, энди, давр кимники — сизники-да, хотинжон. Яшанг, раҳмат!

— Тушликда бозорга югуриб бориб, байрам тадбири учун бодом билан майиз олдим. Ёнғоққа пулим етмай қолди.

— Келибдур даврон, қолмасин армон. Бу дунёдан армонсиз ўтасиз. Ажаб қилибсиз, хўп қилибсиз, хотинжон!

— Ишдан чиқиб, қолган пулимга қаймоқ олиб, касалхонага ўтиб, ойингизни кўриб келдим. Йўл-йўлакай болаларни боғчадан олишга ҳам улгурдим.

— Омон бўлинг! Шундай, хотинларнинг оёқ-қўли чаққон бўлиб боряпти. Нега деганда, давр сизларники-да!

— Бу даврда эркакларга ҳам бирор иш қолган эканми, ишқилиб?

— Қолганда-чи!

— Хўш?

— Газета ўқиш қолган, хотинжон, газета ўқиш...

Қутби НОСИРОВА.

• Олим бўлсанг—олам сеники

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг қарорига биноан бир гуруҳ олимлар унинг ҳақиқий аъзолари бўлдилар. Уларга академик унвонлари ҳам берилди. Олим-академиклар орасида Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг ректори Эркин Турдиевич Шайхов ҳам бор...



ЗЪТИҚОД

«Илм-фанда тўппа-тўғри йўл бўлмайди. Илм-фаннинг метин қояларига чарчашдан қўрқмай эмаклаб чиққан кишиларгина унинг нурафшон чўққиларига етиши мумкин».

Сочларига оқ оралаган, истараси иссиқ, зуваласи пишиқ, вужудидан ғайрат ёғилиб турган Эркин Турдиевич сиймосига тикилар эканман, донишманднинг юқоридаги фикри хаёлимдан ўтди. Инсоннинг неча ёшга кирганини унинг кечирган ойлари, йиллари билан ўлчаманг, қилган ишлари билан ўлчанг, деган эди яна бир донишманд. Агар академик Эркин Турдиевич Шайховнинг ҳам фаолиятига шу нуқтаи назар билан кўз ташласак, у амалга оширган эзгу ишлар торозунинг палласини босиб кетгай... Зеро Абулқосим Фирдавсий айтганидек, «Бирадар бу дунё ҳеч кимга қолмас, қолур яхши номинг жаҳонда, шу бас».

Дарҳақиқат, Инсоннинг бу ёруғ дунёга келишидан мақсад не? Эзгулик эмасми? Ҳа, Эркин ака шундай эзгулик билан туғилган, эзгулик билан йўғрилган. Умри пайдо бўлибдики, одамларга яхшилик қилади, одамларнинг оғирини енгил бўлсин дейди, ҳаловат нималигини билмайди, элим, юртим, дорилфунуним деб тиним билмайди.

Чамаси йигирма йиллар муқаддам мен уни юксак минбарларда кўрган эдим. Ўша пайтларда Эркин Турдиевич республика қишлоқ хўжалик вазири эди... Аммо у бу лавозимда узоқ ишламади. «Оқ олтин» хирмони шиддат билан 6 миллион тоннани забт этаётган бир пайтда тўсатдан истеъфо берди... Илмга чанқоқлик, келажак ёш авлодни тарбиялаш, халққа, республикага етук олимлар етказиб бериш, пахтанинг янги навларини яратиш устида илмий тадқиқот ишларини кучайтириш, Ўзбекистонда ягона қишлоқ хўжалик олий билимгоҳини оёққа турғазиш иштиёқи амалдан устун келди. Шу-шу 1975 йилдан буён унинг меҳнат дафтарчасида битта ёзув турибди: Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи ректори...

Эҳ-е, шундан буён ариқлардан қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Тошкентнинг турли бурчакларига сочилиб кетган билимгоҳга қайтадан асос солинди. Унинг янги корпуслари бир жойда қад кўтара бошлади. Институтдан катта бир дорилфунунга айланди. Бу ердаги ҳар бир ўзгаришни Эркин Турдиевичнинг номи билан боғлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, унинг саъй-ҳаракати бесамар кетмади.

— Олий билимгоҳга ректор бўлиб келган пайтларим ҳозиргидек ёдимда, — дейди академик Эркин Шайхов ўша дамларни хотирлар экан. — Институт ўқув бинолари шаҳар бўйлаб сочилиб кетганди. Ўқув хоналари етишмасди. Институт кутубхонасида ҳар бир толибга еттита ўқув қўлланмаси тўғри келар, билимгоҳ моддий-техника базаси ночор аҳволда эди. Ҳатто қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасида талабаларга от сеялкаси ва культиватор мисолида машғулотлар ўтказиларди. Ўрганиш учун бошқа техника йўқ эди.

Хўш, ким билимгоҳни оёққа турғазиши керак? Ким жон қўйдиради? Бирор мард фидойи борми?

Бу масала деярли ҳеч кимни қизиқтирмасди. Шунда Шайхов ташаббус билан чиқди. Енг шимариб ишга киришди. Биринчидан, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамламай туриб, талабаларга яхши билим бериб бўлмасди, янги илмий-тадқиқот ишларини кенг кўламда давом эттириб ҳам бўлмасди. Ректор ишни шундан бошлади. Келажак учун пухта замин ҳозирлади. Йиллар ўтди, тинимсиз изланишлар, машаққатли меҳнат оқибатлари ортда қолди...

Ҳозир дорилфунунни таниш қийин. У беқиёс даражада ўзгариб кетди. Биргина кейинги 15 йил ичида 6 та янги ўқув корпуси ва 10 та ётоқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Талабаларнинг нафақат илм олишлари, балки ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам шароитлар яратилган. Синфхоналар ўқувнинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган, энг замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва янги компьютерли техникаси бўлган телевизион ҳамда ҳисоблаш марказлари ишлаб турибди. Талабалар фойдаланаётган кутубхонадаги китоб фонди миллион нусхадан ошди. Ҳамма талабалар, шу жумладан, оилалилари ҳам ётоқхоналарда жой билан таъминланган. Минг ўринли ошхона, чойхона, тез ёрдам хизмати билан бирга поликлиника, дорихона, профилакторий, спорт-соғломлаштириш лагери, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси бўлган мукаммал спорт иншоати, ҳовузли ҳаммом, маиший хизмат уйи талабалар ихтиёрида. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда талабалар ўртасида ҳеч қандай норозилик йўқ. Дорилфунун раҳбарияти талабалар тўғрисида мунтазам қайғуриб келяпти...

Тадбиркорлик — бу замон талаби, шу куннинг талаби. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган республикамизнинг таниқли жамоат ва сиёсат арбоби бўлган Эркин Шайхов буни қалбан ҳис этади. «Талабалар учун номига эмас, балки чинакам ғамхўрлик керак, дейди унинг ўзи. — Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар қалқиб турган бир пайтда талабаларни ижтимоий ҳимоялаш бизнинг бурчимиздир...».

Ҳа, замон билан одимлаш, олдинни кўра билиш доимо унинг ҳамроҳи. Эътиқод, имон, иштиёқ унинг фикри эди. Одамларга озми-кўпми эзгулик қилиш унинг муқаддас нияти..

Ки, ҳар ишники қилди одамийзод,
Тафаккур бирла билди одамийзод,

деганларида Алишер Навоий Эркин Шайхов каби инсонларни назарда тутган бўлса ажаб эмас Эркин Турдиевич ҳам туну-кун тафаккур қилади, дорилфунунни, илмий ишларни, талабалар ҳаётини, халқни ўйлайди.

Дарвоқе, халқ ноиби сифатида олиб бораётган ишлари ҳам ғоят ибратли. Зеро, бугунги кунда халқ ноиби бўлиш, эл ишончини оқлаш осон эмас. Лекин сайловлардан амал-тақал қилиб ўтиб олиб, кўксига «Ўзбекистон халқ депутати» нишонини тақиб олганлар ҳам бўлди. Аммо «Жўжани кузда санаймиз» деб бежиз айтмайдилар. Ноибликнинг ҳам сарҳисоб онлари бор. Ғалвирни сувдан кўтарганимизда Эркин Турдиевич бу борада анчамунча иш қилиб қўйибди. Сайловчилардан тушган 100 дан ортиқ катта-кичик наказларнинг 70 фоизи бажарилди. Бир донишманд айтганидек, бир нарсага иккинчи нарса туртки ёки сабаб бўлмаса, ҳеч нарса ўзгармас экан.

Эркин ака халқ дардини тортувчи, уни амалга оширувчи чинакам халқ ноиби. Дарвоқе, унинг елкаси узра оғир бир тоғ босиб турибди, бу халқ дарди. У ҳар сессияда халқ дардини айтади. Фарҳод каби елкасидаги тоғни аста «кемириб» боради. Ўз меҳнати ниҳонасини кўрганда эса ич-ичидан болалардек қувонади...

Раҳбар — падар дейдилар. Оиладан болалар отадан ўрганганларидек, унга ҳавас қилганларидек, олий билимгоҳда унинг шогирдлари Эркин акадан кўп нарса ўрганишга, унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Бу ерда зеро ўзига хос «Шайхов мактаби» яратилган десам муболаға қилмайман. Ҳозир бу, «мактаб»да 600 га яқин ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Улардан 34 нафари фан доктори ва профессорлар, 295 нафари эса фан номзоди ва доцентлар бўлиб, шулардан 23 киши жумҳуриятимизнинг фахрий унвонларига эгадирлар. Институт ташкил топгандан буён 40,1 минг олий маълумотли мутахассис тайёрланди. Олий билимгоҳни битирганлар Ўзбекистон халқ хўжалигининг ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқдалар...

Бу ерда, дорилфунунда амалга оширилаётган ишларни бир сўз билан таъкидлаш қийин. Минг марта эшитганман кўра, бир марта кўрган яхши.

Дарвоқе, ҳар хил олди-қочди ва мўъжизаларга ўч бир киши доно кексадан сўрабди:

— Дунёда энг ажойиб мўъжиза нима?

Доно кекса унинг кўзига узоқ тикилиб турибди-да шундай дебди:

— Сен мўъжиза излаб дунё кезиб юрма, оламнинг ноёб мўъжизаси одам, яхши одамларни ўргансанг, мўъжизали умр кечирасан.

Ҳа, академик Эркин Турдиевич Шайховдан, унинг «мактабидан», тажрибасидан ҳар қанча ўрганса арзийди. Академикнинг ҳаёти ана шундай эзгу эътиқодга тўла.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА УНИНГ НУКУСДАГИ ФИЛИАЛИ
1993-1994 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимнинг 1 ва катта босқичларига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономлик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоомуҳандислик, ўрмон, боғ ва ҳиёбонларни кўкаламзорлаштириш (ўрмон хўжалиги муҳандислари мутахассислиги), қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш.

СИРТҚИ БЎЛИМга турли ёшдаги тўлиқ ўрта ёки олий маълумотга эга бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхона, ташкилот, муассаса ёки хўжаликларда ишлайдиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилинадилар.

БОШҚА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРДА ЯШОВЧИ ШАХСЛАР ПУЛЛИК ШАРТНОМА АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ректор номига ёзилган университетга қабул қилиш ҳақидаги аризалар қуйидаги ҳужжатлар билан 1992 йил 15 декабрдан 1993 йил 15 январгача қабул қилинади: ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, тиббий маълумотнома, 086 (У) андозадаги, меҳнат дафтарчаси ёки колхозчи дафтарчасидан маъмурият томонидан тасдиқланган кўчирма, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат.

ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1993 ЙИЛНИНГ 16 ЯНВАРИДАН 1 ФЕВРАЛИГАЧА БЎЛИБ ЎТАДИ.

Университетда кириш имтиҳонлари ва барча мутахассисликлар бўйича ўқиш ўзбек, рус тилларида, филиалда эса қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Университетга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

— бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқлари иқтисоди ва уни бошқариш, ўрмон, боғ ва ҳиёбонларни кўкаламзорлаштириш мутахассисликлари бўйича: МАТЕМАТИКА (оғзаки), БИОЛОГИЯ (оғзаки), ЎЗБЕК ЁКИ РУС ТИЛИ (диктант).

МАТЕМАТИКА ВА БИОЛОГИЯДАН СОҲА ИМТИҲОНЛАРИ

— агрокимё ва тупроқшунослик, агрономлик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоомуҳандислик мутахассисликлари бўйича: КИМЁ (оғзаки), БИОЛОГИЯ (оғзаки), ЎЗБЕК ЁКИ РУС ТИЛИ (диктант).

КИМЁ ВА БИОЛОГИЯДАН СОҲА ИМТИҲОНЛАРИ

Университетнинг НУКУС шаҳридаги филиалида — қишлоқ хўжалигини механизациялаш мутахассислиги бўйича физика (оғзаки), математика (оғзаки), қорақалпоқ, ўзбек ёки рус тили (диктант).

ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКАДАН СОҲА ИМТИҲОНЛАРИ

Ўқишга кирувчилар соҳа имтиҳонларидан олган баллар йиғиндиси бўйича ўтказиладиган УМУМИЙ ТАНЛОВ асосида қабул қилинади.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олган қуйидаги абитуриентлар университетга танловсиз қабул қилинадилар: ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ЗАҲИРАГА БЎШАТИЛГАН ВА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ГУВОҲНОМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, ЕТИМ БОЛАЛАРГА ВА ОТА-ОНА ҚАРОВИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАР, МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАЙДИГАН ТИББИЙ КОМИССИЯНИНГ АГРАР УНИВЕРСИТЕТДА ЎҚИШ СОҒЛИҒИГА ТЎҒРИ ҚЕЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ХУЛОСАСИ БЎЛГАН I ВА II ГУРУҲ НОГИРОНЛАРИ.

Иккинчи марта олий маълумот олмоқчи бўлганлар шартнома (пуллик) асосида қабул қилинадилар.

Манзилимиз: 700183, Тошкент шаҳри, ТошДАУ (19, 49, 83, 96, 156, 167, 491 автобуслар ва 15, 28, 152, 153-маршрут таксиларининг «Тошкент Давлат аграр университети» бекати).

Нукус бўлимининг манзили: 742012, Нукус шаҳри, Қурбонов номли кўча, ТошДАУнинг Нукус бўлими биноси (13, 19, 24-автобуслар, 4-маршрут таксининг «Қишлоқ хўжалик факультети» бекати).

• Билиб қўйган яхши

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● Илгари замонларда ҳам олимларнинг одатда шогирдлари бўлган. Улар ўз олдиларига юнонча **«аспиро»**, яъни «интиламан» деган шиор қўйганлар.

«Аспирант» сўзи «аспиро»дан олинган бўлиб, **«билим эгаллашга интилиш»** деган маънони англатади.

● Қадим римликларда жун матодан тикилган рангдор ёпинғич — **тога** кийиб юриш расм бўлган. Бирон мансабга ўтмоқчи бўлган шахслар бу либоснинг **«тога кадида»** деб аталадиган басавлат сидирға оқ хилини кийганлар. **«Фан кандидати»** деган ном ана шундан келиб чиққан.

● Римликларнинг аскарий қисмларидаги **ўнбошилик** (ўн аскар бошлиғи) лавозими, шунингдек ўрта асрлар даврида католик черковларида аббатларнинг ёрдамчиси ҳисобланган роҳибларни **«дианус»** деб аташган.

Ҳозирги пайтда олий ўқув юртларида факультетни бошқараётган **«декан»** сўзи шундан олинган.

ҲИНД ҲИКМАТЛАРИ

● **Одамлар ўртасидаги муносабат ҳамжиҳатлик сарчашмасидан парвариш топса, кишининг кўнгли ҳамиша тўқ бўлади ва ҳар қандай оғир мушкулот ҳам осонликча бартараф қилинади.**

● **Дўстларнинг дўстга манфаати беҳисобдир. Дўст давлатинг борида ҳам, бошингга кулфат тушган чоғда ҳам ҳамроҳ, ёрдамчи ва суянчиқ бўлади.**

● **Кемани саҳрода юргизаман, отни дарё устида чоптираман, деб мақтанма. Совуқ темирни чўзишга ва қўлдан келмайдиган ишга беҳуда уринма. Маҳол ишга уринган одам охири масхара бўлиб қолади ва нодонлигини билдириб қўяди.**

Доно киши эҳтиёткорликни тарк этмайди, душман сўзига ишонмайди ва оқибатда балога гирифтор бўлмайди.

Оқиллар тез дўст бўлиб ва кеч бўлур душман,
Олтин кўза кеч синиб, бут бўлур тездан.

● **Тамагир юз йиллик дўстлик ипини бир лаҳзада узишдан ҳам тоймайди, кеч дўст ва тез душман бўлади. Сопол кўза тез синади ва уни тузатиб бўлмайди.**

АЁЛЛАР «ЗАИФАМИ?»

Бир гуруҳ статистлар уй бекасининг йил давомида бажарган хизматини, яъни уйига, эрига ва иккала болаларига қараш учун нималар қилганини ёзиб боришганда, ажойиб натижа олишди.

Уй бекаси бир йилда 18 минг қошиқ, пичоқ, вилка, 13 минг тақсимча, 6 минг пиёла, 3 минг қозон-товоқ юваркан. Шунингдек, бу асбобларни нафақат ювади, балки ҳар куни бир неча бор овқатдан олдин шкафдан олиб столга теради, сўнг қайта йиғиштириб қўяди. Ана шунинг ўзида йил бўйи беш тонна юк ташийди. Булардан ташқари аёл кишининг уй ичида юрган масофаси махсус асбобда ўлчанганда, икки хонали уйда у кунига 10 минг қадам ташлаши маълум бўлди. Агар бунга ҳовли ҳам қўшилса, 17 минг қадам ташлайди. Уй бекасининг бозорга ҳам боришини назарда тутсак, у бир йилда икки минг километр масофани босиши аниқланди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: аёлларимизни «заифа» дейиш тўғримикан?

ЧОРРАҲАДА—АВТОВОКЗАЛ

● Йўловчилар ҳам, шоферлар ҳам Чинобод шаҳарчасида қурилган автовокзалга муносиб баҳо бердилар. У Андижон, Наманган, Фарғона, Марғилон, Жалолобод, Ўш, Майлисойга борадиган йўллар туташган жойда қурилган. Уни «Андижон сув хўжалиги қурилиши» трестига қарашли 3-механизациялашган колонна қурувчилари бунёд этдилар.

Эндиликда Андижон вилоятининг барча шаҳарларида ва туман марказларида янги автовокзаллар бор.

ГАЗЛАШТИРИШ УЧУН... ВИНО

● Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Янги ҳаёт ва Заркент вино пунктлари негизида вино заводи барпо этилди. Янги корхона йилига 15 тонна узумни қайта ишлай олади.

Завод ходимлари яқин келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кўпайтиришни режалаштирганлар. Бу ерда винодан ташқари коньяк ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Коньякбоп спиртнинг дастлабки туркуми тайёрлаб қўйилди. Маҳсулотни сотишдан олинган фойда туманнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, шу жумладан газлаштиришга сарфланади.

[ЎзА мухбирлари].

ХОРАЗМ МИНТАҚАЛАРАРО ТОВАР БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1992 йил ноябрь ойида

РУЙХАТДАН ЎТГАН.

Хорази вилоятининг 12 та йирик корхона ва ташкилоти мазкур биржанинг муассисидир. Урганч ёғ-мой комбинати, пойабзал, тикувчилик бирлашмалари, шойи-тўқув фабрикаси, вино-арақ заводи, «Хоразм—сервис», «Хоразмтранс», «Қурилиш материаллари» бирлашмалари, «Завольже» кичик корхонаси, Амударё бўйи минтақаларо савдо биржаси (Тошховуз) шулар жумласидандир.

УСТАВ КАПИТАЛИ — 51,5 МИЛЛИОН СЎМ.

40 ДАН ОРТИҚ БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ИШЛАЙДИ. БИТТА БРОКЕРЛИК ЎРНИ 60 МИНГ СЎМ. ҚОЗОҒИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ВА ШУНИНГДЕК ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТОР ШАҲАРЛАРИ — ТОШКЕНТ, БУХОРО, АНДИЖОН, ҚАРШИ ВАКИЛЛАРИ ОЛДИ—СОТДИ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАНЛАР.

Биржа бошқаруви раиси Хусан ЙЎЛДОШЕВ.
Ижрочи директор Оллоберган ОТАЖОНОВ.
Манзилгоҳи: 740000 Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 34-уй.

Телефонлар: (362-22) 6-61-70, 6-55-70.



Қовунларим пишди мана,
Бўйи минорадан тикка.
Иккитаси қолди менга,
Қолган бори—шаҳарликка!..

«АНВАР»
ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

ҒОЯЛАР СУРАЙДИ
У СИЗНИ
«ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН»
СУПЕР ТАНЛОВИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ
ЭНГ ЙИРИК МУКОФОТ! Мукофот жамғармаси: 1000000 сўм.

1-ДАВРА

Шошилинг: мактаб ўқувчисидан тортиб профессоргача, уй бекасидан то ишбилармонларгача — барча кишилар бу танловда қатнашиш ҳуқуқига эга.

БИЗНИНГ ТАЛАБНОМА:

1. Айнан шу давр ва жой учун зарур бўлган кичик ишлаб чиқариш корхонаси, цех ёки фермаларни ташкил этиб, янги дастгоҳ ёҳуд ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этиш ғоялари ҳақида тушунчалар бериш.

2. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот, машғулотингиз тури, ёшингиз ва ҳоказоларни қизиқарли ва юморга бой ҳолда ёзиб юборинг.

Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутади:

1-ўрин — 500000 сўм.
2-ўрин — 300000 сўм.
3-ўрин — 200000 сўм.

1-давра ғолибларини муддатли мукофот совғалар кутади.

Ғолиблар номлари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Аризалар бериш муддати 1993 йилнинг 15 апрелигача.

Маълумот учун телефон: (3712) 91-64-12.

Хат — аризалар ва почта орқали 250 сўм пулни қуйидаги манзилгоҳга юборинг: Тошкент, 700074, а/я № 18.

«ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН» ТАНЛОВИ»га деб ёзинг.

Жамоа ва ташкилотларга Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Саноат-қурилиш банкидаги ҳисоб рақамларимиз: 000468957 МФО 172682306.

«ХУСУСИЙ ИШБИЛАРМОН» ТАНЛОВИГА БУГУН ТАВАККАЛ ҚИЛСАНГИЗ — ЭРТАГА ЮТУҚ СИЗНИКИ БЎЛИШИ МУМКИН!

«ДИАЛОГ»

ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси
Ғарбий Германия ускуналарини сотиб олишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар эътиборига қуйидагиларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— озиқ-овқат, фармацевтика ва косметика саноати учун зарур бўладиган барча турдаги жойлаш-ўраш қурилмалари ва комплекс линиялари;

— озиқ-овқат саноати, жумладан қаттиқ ва бўш, юпқа пишлоқ маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати, шарбат ва шарбат концентратлари ишлаб чиқариш ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлаб чиқариш линиялари ва комплект қурилмалари;

— гўштни қайта ишлаш, жумладан ярим тайёр маҳсулотлар ва колбаса маҳсулотлари тайёрлаш учун ускуналар ва комплект қурилмалари;

— мол сўйиш ускунаси;

— парранда гўштини қайта ишлаш учун ускуна;

— пишлоққа ўхшаш дудланган ҳамда қайнатилган колбасалар ишлаб чиқариш учун ускуналар ва сосиска линиялари;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари;

— тез совутиладиган маҳсулотлар ва тайёр таомлар ишлаб чиқариш учун ускуналар;

— кичик тегирмондан торгиб йирик саноат корхонасигача бўлган нон маҳсулотлари ва кондитер саноати учун ускуналар;

Техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лойиҳа ишлари, ускуналарни монтаж қилиш ва ишга туширыш, шунингдек, хизмат кўрсатиш ходимларини ўқитиш хизматлари ҳам Сизнинг талабингизга кўра алоҳида ҳал қилиниши мумкин.

Биз хизмат ҳақи тўланган барча таклифларингизни кўриб чиқишга тайёрмиз.

Илтимосномаларни қуйидаги манзилга юборинг: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси «Ц» кварталы, Қатортол кўчаси, 28-уй.

Алоқа учун телефонлар: 76-47-04, 76-54-22.

ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА СОТИШДАН МАНФААТДОР БЎЛГАН КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ ВА ГРЕЦИЯ ФИРМАЛАРИ БИЛАН ШАРТНОМА МУНОСАБАТЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН «ДИАЛОГ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

ИЛТИМОСНОМАЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЮБОРИШЛАРИНГИЗНИ СУРАЙМИЗ: 700135, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЧИЛОНЗОР ДАҲАСИ, КВАРТАЛ «Ц», ҚАТОРТОЛ КЎЧАСИ, 28-УЙ.

АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (83712) 76-47-04, 76-54-22.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚЛОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ҚОШИДАГИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ 1993 ЎҚУВ ЙИЛИГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАЛАКА ОШИРИШ

— корхона ва муассасаларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва уларнинг методологияси;

— бухгалтерия ҳисобини шахсий ҳисоблаш машиналари ёрдамида ташкил этиш;

— халқаро методология асосида миллий ҳисобот тизмаларини (системасини) қўллаш.

Шахсий компьютерда ишлашга ўргатиш (сервис пакетларни ўрганиш, хат ва жумлаларни ёзишга, электрон жадваллар тузишга, ахборотлар базасидан фойдаланишга ўргатилади).

ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

— бухгалтерия ҳисоби, хўжаликни иқтисодий таҳлили ва тафтиш;

— халқаро иқтисодий алоқаларни ташкил қилиш ва иқтисод;

— статист — иқтисодчи.

МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Бухгалтерия — халқ хўжалиги ҳамма тармоқлари учун;

Бухгалтер — аудиторлар — молия ва бошқарув ҳисоботини халқаро стандартга мос ҳолда ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобини ўзбек ва инглиз тилларида олиб бориш.

Қайта тайёрлаш бўлимига ўрта—махсус ва олий билимга эга бўлган мутахассислар қабул қилинади. Ўқишни муваффақиятли тугатгандан сўнг уларга Халқаро миқёсдаги диплом берилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ; 700077, Тошкент шаҳри Буюк Ипак йўли 42.

ТЕЛЕФОН: 67-19-03, 67-24-62.

Тошкент щаҳри, Юнусобод район саноат-қурилиш банкидаги ҳисоб рақамларимиз: 000609958, МФО—172682304.

• БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ ҚУРМОҚЧИ ЭКАНМИЗ, БОЗОР ХИЗМАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИК ЖИҲАТДАН УСТУН ЙЎНАЛИШДИР. РИВОЖЛАНГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАРМОҚЛАР — ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТАРМОҒИНИ, ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИ, АУДИТ, СУҒУРТА ВОСИТАСИ ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРМАЙ ТУРИБ, МАЪРИФАТЛИ БОЗОР САРИ АНИҚ ҚАДАМ ТАШЛАШ ТЎҒРИСИДА ГАП ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС.

Ислом КАРИМОВ.

• *Акс-садо*

«АСАКАДА АВТОМОБИЛЬ ТУҒИЛМОҚДА, НОМИНИ СИЗ ҚЎЙИНГ, МУШТАРИЙ»!

«Ўзбекистон овози», 1992 йил 30 июль.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи автомобилига қўйиладиган ном жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳақда газетанинг 15 август, 17 сентябрь, 23 октябрь, 18 ноябрь 1 ва 4 декабрь сонларида ўқигансиз, албатта. Қуйида эса таҳририятга йўлланган хатлардан яна бир туркумини ҳавола этяпмиз.

«З. М. Б.» ДЕСАК-ЧИ!

Марк Твеннинг «Овсар Вильсон» асарида ёзилишича асар қаҳрамони XIX асрнинг 30-йилларида АҚШдаги Миссисипи дарёси бўйлаб «Буюк мўғул пароходида йўловчи сифатида сузган. Маълумки, кемага қўйилган бу ном — юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номи. 160 йил аввал Америкада ҳам маълум ва машҳур бўлган буюк юртдошимизнинг номини тўғрисини айтсак, эндиги на хотирлай бошладик. Бобокалонимизнинг номини наинки мактаб, кўча, боғ, хўжаликлар, кемаларгагина эмас, балки катта шаҳарлардан бирига қўйсак ҳам камлик қилади.

Андижон вилоятида (Асака) ишлаб чиқарилажак Ватанимизнинг тўнғич автомобилига ном топиш керак экан, уни оддийгина қилиб З.М.Б. (Заҳириддин Муҳаммад Бобур) ёки яна ҳам оддийроқ «Асака» деб аташни таклиф этаман. Токи, автомобилимиз номи ҳам юртимиз номи билан бирга келажакда оламаро маълум ва машҳур бўлсин!

А. МУТАЛОВ
ҳуқуқшунос.

МЕНГА ЖУДА ЕҚҚАН НОМ

Биринчи автомобиль яратилиши қадимий ўлкамиз учун катта воқеа бўлиши табиий. Шунинг учун машинага ном беришда кенг мулоҳаза юритиш керак. Шундай ном бериш керакки, у машинанинг яратилиш даври ҳақида фарзандларимизгина эмас, невара-чевараларимиз ҳам тўлароқ тасаввурга эга бўлса дейман.

Мен «Ўзбекистон—93», «Туркистон», «Истиқбол», «Ифтихор» деган номларни тавсия этаман. Лекин машинанинг «Асака—93» деб номланиши менга жуда ёқади. Негаки, бу ном қисқа, жарангдор, машина туғилган шаҳарни эслатиши билан афзалликка эга, деб ўйлайман.

Р. БЕРДИЕВ,
Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон район босмахонаси директори.

ШИНГИЛ ТАКЛИФЛАР

— Асака машиналарига «Уз.М» (Ўзбекистон мустақиллиги) номи ярашади.

А. МАМАДЖОНОВ,
Андижон вилояти.

— Машина яратилган жой унинг номи бўлиб қолса. Яъни янги автомобилга «Асака—93» деган ном қўйилса, туғилган жойи ва йили акс этарди.

А. МАМАТАЛИЕВ,
Фарғона, Данғара райони.

— Ўзбекистонда биринчи автомобиль Асакада чиқарилар экан, номи ҳам «Асака» бўлиши керак.

Ш. СОАТОВА,
Тошкент, тиббиёт ходимаси.

— Ҳамкорлик қилувчи томонлар машина номида билиниб турса, Менимча, «Уз. Ас. Кор» деган ном Асакада чиқариладиган машиналарга мос бўлади.

О. ҒАФФОРОВ,
Ғузор райони мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раиси.

— «Асако—93» номи берилгани яхши. Чунки ҳар йили чиққан машина «Асако—94», 95, 96 тарзида аталаверади.

Р. НОСИРОВ,
Тошкент шаҳри.

— Мустақиллик учун озмунча кураш олиб борилгани йўқ. Шунга кўра, Узбекистонда чиқадиган дастлабки автомобилга «Истиқлол» номини бериш ўринли.

С. ШОТИРОВ,
Қашқадарё вилояти, ишчи.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ҚУРИЛИШ МЕХАНИЗАЦИЯСИ ТРЕСТИ

Ўзбекистон Жумҳурияти ҳудудидаги ташкилотлар, қўшма корхоналар, кооперативлар билан шартномалар тузиш асосида механизациялашган

ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ

Бульдозерлар, экскаваторлар, трейлерлар, автомашиналар, минорали кранлар, автокранлар, шунингдек, ғилдиракли ва занжирли оғир юк кўтарувчи кранлар — келишилган нарх асосида ажратиб берилади.

Шунингдек ер қазиш ишларини комплексли бажариш хизматини таклиф қилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700017, Тошкент шаҳри Академик Сулаймонов кўчаси, 49-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-49-39, 33-10-12, 33-05-48.

Дўппилар оқ, бошлар оппоқ,
Сочлар оппоқ, қошлар оппоқ.

Етмиш баҳор боқиб кетди,
Ёшлик сувдек оқиб кетди...

ОСИЁ БОЗОРЛАРИ

О, Осиё бозорлари:
Даллолларин виқорлари,
Оппоқ соқол атторлари,
О, Осиё бозорлари...

Истанг, бари топилади,
Қуш сути ҳам сотилади,
Айтинг, ўзи не йўқ бунда,
Хоҳланг кундуз, хоҳланг тунда...
О, Осиё бозорлари.

Бозор эмас — бир чорбоғдек.
Олмалари — ошқовоқдек!
Узумлари суюқ асал,
Ширмойи нонлари — ғазал.
Бари танҳо, бари гўзал —
О, Осиё бозорлари!..

Сўранг, Сибир чўпонидан,
Суви қочиб даҳанидан,
Бозор кезиб, кетмайман дер,
Қовун қоқни пўчоғлаер...
О, Осиё бозорлари!

Манов меҳмон хорижданмиш,
Форишданмас — Парижданмиш.
Чўпи билан ер кишмишлар
Анорни арчмасдан тишлар.
Нима дейсиз — шундай ишлар!..
О, Осиё бозорлари.

Бағрингдан файз аримасин,
Даллолларинг қаримасин,
Расталаринг тўлиб турсин,
Барака ёр бўлиб юрсин.
О, Осиё бозорлари!

Мақсад ЯХШИЕВ.

АГАР КЎЗИНГИЗ ХАСТАЛИККА ЧАЛИНСА...

Уч йил мобайнида бутун жаҳонга машҳур профессор С. Н. Федоровнинг кўз касалликлари шифохонасида тажриба орттирган моҳир жарроҳ узоқни ёмон кўриш (шапкўрлик), астигматизм (кўз нуқсонларидан бири) хасталиклари бўйича

ЖАРРОҲЛИК МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Бизнинг макон: Тошкент шаҳар, Ипак йўли (аввалги Луначарский шоссеси) кўчаси, 178-уй. Тошкент область кўз касалликлари шифохонаси (метронинг М. Горький номли бекатидан 1, 63, 105, 491-автобусларда «Амбулатория» бекатигача борилади).

БЕМОРЛАРНИ ШИФОКОР А. С. ШАМСИЕВ ЖУМА КУНЛАРИ СОАТ 9 ДАН 14 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Тошкентдаги телефон: 65-96-42.

ТАДБИРКОРЛИК—ДАВР ТАЛАБИ

Ўртачирчиқлик ишбилармонлар ҳаракатда

● **Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Президентининг деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикадаги ишбилармонлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Қуйида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ районидаги бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишасиз.**

Айни пайтда район бўйича 46 ширкат ишлаб турибди. Улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, иккиламчи хом ашё ва маиший хизмат чиқиндиларини қайта ишлашмоқда. Ниҳоятда тақчил бўлиб турган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Меҳнат» ширкати аъзолари саъй-ҳаракати билан қарийб 9 миллион сўмлик ҳажмда аҳолига уйжой қуриб берилди ва таъмирлаш, безаш ишлари амалга оширилди. «Хизмат» ширкати эса аҳоли илтимосига кўра турли ҳажмдаги дарвоза, панжара ва бошқа буюртмаларни бажармоқда.

Киров номли ўқув-тажриба хўжалигида эса нутрия боқилмоқда, ҳозирги пайтда ғоят камёб бўлган ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Фаолият кўрсатаётган иссиқхонанинг ўзидан мазкур йилда 800 минг сўмлик соф даромад олиш режалаштирилган. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳам ғишт цехи, шоли оқлаш тегирмони тўла қувват билан ишлаб турибди.

«Северний маяк» жамоа хўжалигида бир кеча-кундузда 18 тонна буғдойни ун қилиб берадиган тегирмон ишидан аҳоли миннатдор бўлмоқда. «Бектемир» ва «Қорасув» пахта тозалаш заводлари қошида ҳозирча кам қувватли бўлса ҳам пахта ёғи ишлаб чиқарадиган цехлар мавжуд. Ижара пудрати асосида ишлайдиган ёғ цехи ташкил қилинди. У бир сменада бир тонна пахта ёғи ва шунча кунжара ишлаб чиқараётир. «Тўйтепа» кичик корхонаси эса қишлоқ хўжалиги масулотларини консервалаш юмушлари билан шуғулланмоқда. Ўтган йилни у салкам 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлади. «Туркистон» кичик корхонаси кийим-кечак, чойшаб, кўрпача сингари халқ истеъмоли моллари аҳолига етказиб бераётир. Район маиший хизмат кўрсатиш корхонаси қошида синган шиша идишлар қайта эритилиб, ундан кулдон, ваза, гулдон ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилаётир. Маълумки, ушбу буюмлар жуда катта иссиқлик таъсирида бунёдга келади. Ана шу иссиқлик ҳавога бекорга чиқиб кетмаслиги учун цех ёнида иссиқхона қурилиб, ундан фойдаланиш режаси тузилмоқда. Худди шу комбинат қошида йилига бир миллион дона пишган ғишт етказиб бериш қувватига эга цехнинг қуриб битказилиши районда бинокорлик материалларига бўлган талабни бирмунча қондириш йўлида кўйилган дуруст қадамдир.

«Роватак» жамоа хўжалиги идорасига киришингиз билан тадбиркорлик нишоналарига дуч келасиз. Идоранинг фойдаланилмай бўш ётган хоналарида кийим-кечак тикиш, жун рўмол, поёндоз тўқиш ва бошқа цехлар ишлаб турибди.

Район бўйича ташкил қилинган ширкат ва кичик корхоналарда айни пайтда салкам 4 минг нафарга яқин киши ишламоқда. Йил охиригача бу кўрсаткичлар янада ошиши мўлжалланаётир.

Шу пайтгача районда 57 кичик корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 31 таси фаолият кўрсатаётир. Маълумки, Узбекистон Президентининг қишлоқ меҳнаткашларига томорқа ва ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги фармонидан кейин, айниқса қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёж ошиб кетди. Ана шу талабларни имкони борича қондириш мақсадида ташкил қилинган кичик корхоналар айни муддао бўлди. Чунончи ўтган йили улар кучи билан жами ўн миллион донага яқин хом ва пишган ғишт, бир ярим миллион дона шлакли блок аҳолига сотилди. Бу — 9 минг квадрат метр ҳажмда уйжой қурилиши амалга оширилди, демакдир. Районда 51 та фермер хўжалиги ташкил қилинди. Улар 600 гектар ерга эга бўлиб, 120 бош қорамол, юзлаб қўй-эчкиларни парвариш қилишаётир. Балиқ ҳавзаларида эса шу йилнинг ўзида аҳолига 50 тоннадан кўп балиқ сотилиши мўлжалланган.

«Мақсадимиз — мустақил юртимизнинг иқтисодини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш» — дейишмоқда тадбиркорлар. Бинобарин, кундан-кунга халқ истеъмоли буюмлари турлари ва ҳажмини кўпайтираётган, аҳолининг моддий турмуш даражасини оширишга бел боғлаган кишиларнинг бошқача муддаолари бўлиши ҳам мумкин эмас.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғайбулла ас-САЛОМ—60 ёшда

Ўн олтинчи—ўн еттинчи асрларда яшаган машҳур овруполик файласуф Фрэнсис Бэкон фалсафа фани ва ундан ажралиб чиқаётган табиий фанлар тақдири хусусида ёзар экан, олимларни уч гуруҳга бўлади. Қайд этиб ўтиш лозимки, шу пайтга қадар илмнинг қайси соҳасига оид бўлмасин, барча фанларни фалсафа ўзида бирлаштирган эди. Ушбуга кўра ҳам, машҳур файласуфнинг олимлар ҳақидаги фикрларини ҳамма олимларга тегишли, деб ҳисоблаш мумкин. Бэкон фикрича, биринчи гуруҳ олимлар ўз «Мен»и атрофида ўралашиб қолган, уларни ўргимчакка қиёс этиш лозим. Чиндан ҳам ўргимчак жуда моҳир, унинг тўқиган тўрини ясаш бошқа одамнинг қўлидан келмайди, лекин у тўр ўргимчакнинг ўзидан бошқа ҳеч кимга керак эмас... Файласуф фикрича, бу ғайриилмий йўлдир. Жуда кўп олимлар ушлаб олган иккинчи йўл — бу чумолилар йўли. Чумолиларнинг ўзлари ҳеч нарса ижод этмайдилар, аммо меҳнаткашлар, шунинг учун ҳамма нарсани ўз уйларига ташиб кетадилар. Улар бойлигидан бироз баҳраманд бўла олмайди. Учинчи йўлни танлаган кишилар — мутафаккирлардир, бу тоифа донишманд кишиларнинг моддий ва маънавий қанотлари бор. Улар — асаларилардир... Асаларилар гулдан гулга қўнар эканлар, шираю болни қатралаб териб оладилар, уйига олиб кетиб йиғадилар. Ҳайратга тушадиган жойи шундаки, ана шу йиққанларини одамларга берадилар, ўзларига олиб қолмайдилар... Бу асаларининг фидойилиги эмас, балки худойи таоло уни шундоқ қилиб яратганлигидандир, бошқача айтсак, унинг насиҳаси — фидойилик, саховатлилик, ҳимматлилик...

Профессор Ғайбулла ас-Салом Самарқанд вилоятининг Хатирчи районидан. У 1932 йилнинг 11 декабрь куни бу қўҳна туманнинг Сув дарвоза гузарида, совунгарлар тўпида, мулла Тожи Салом ўғли билан Мелиой Аҳмад читгар қизи оиласида дунёга келди. Кейин мактаб, талабалик йиллари, илмий изланишлар... Кўп илмий-маърифий идораларда кечган хизмат йиллари... Бугунги кунда Тошкент Давлат университети профессори, таржима назарияси ва таҳрир-нашриёт ишлари кафедраси мудири. Ҳа, орада қанча сувлар оқиб кетди...

Муҳаммад АЛИ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Боғ сеники, оқ тойчоғим,
Эҳтиёт бўл, пўчоғидан,
Бори сенга, бари сенга,
Ол, ма, е, ҳа, «чўчоғидан!...»

TEKNESS-INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар — Телефонлар
Телефакслар — Стриммерлар
Лазерли принтерлар
Кичик хисоблаш тармоклари
Ксероксдар — Сканерлар
Дискетлар — Модемлар
Банкнотларни хисоблаш аппаратларни



Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади

Тошкент, Улуг Ипак Йули хиёбони, 63
67-25-57, 67-85-86 FAX (371-2)-54-99-83

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Тошкент шаҳридаги Марказий универсал магазинига қарашли

«ҚАРВОН» ФИРМАСИГА

тикувчи ихтисосли қизлар

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Марказий универсал магазини (ЦУМ), 4-қават, «ҚАРВОН» ФИРМАСИ.

ЎЙЛАР ТУҒЁНИ

УМР

Ҳар бир кишининг умри унинг неча ёшга кирганлиги билан ўлчанмайди. Инсон гўзалликни ҳис эта бошлаган дақиқасидан бошлаб, гўзаллик лаҳзаларида инсон.

Ривоят қиладиларки, бир киши қабристонни кезар экан бир лаҳат қаршисида тўхтабди. Ёдгорлик мармар лавҳага битилган экан. «Фалончи 80 йил умр кўрди. 5 йил яшади». Бошқа бир қабр пештахтасига ёзиб қўйишибди: «Мавлоно 59 йил умр кўрди. 2 йил яшади». Яна бирида рақам қилинибди: «Бул зот 23 йил умр кўрди. 4 ой яшади». Ўша одам тағин бир қабр олдида тўхтаб, ҳанг-манг бўлиб қолибди. Бу ерда битилган экан «Марҳум фалончи 99 йил умр кўрди. Туғилдию ўлди». Бир кам юз йил умр кўрган ўша инсон бир кун ҳам яшамаган экан!

ГЎЗАЛЛИК — РАНГ-БАРАНГЛИКДА

Одамлар бир-бирига қанчалик ўхшамаса, шунчалик гўзал. Нарсалар бир-бирига қанчалик ўхшамаса, шунчалик гўзал. Ҳофизлар бир-бирига қанчалик ўхшамаса, шунчалик гўзал. Тиллар бир-бирига ўхшамаса, шунчалик гўзал. Гўзаллар бир-бирига қанчалик ўхшамаса, шунчалик гўзал. Дунё ўз заррали билан гўзал. Зарра ўз дунёси билан гўзал.

ВАҚТ ВА ОВҚАТ

Биз ҳамма вақт иш билан бандмиз. Иш, иш, иш... Вақтимиз йўқ. Мушоҳадага, ўй суришга, ўзимиз билан ўзимиз юзма юз келишга, дийдор кўришишга, тўқнашишга, ўзимиз билан ўзимиз гаплашишга, ўзўзимизга савол беришга, иккиланишга, шубҳаланишга... вақтимиз йўқ.

Биз вақтни ояймиз. Вақт бизни аямайди. Биз вақтни ўтказамиз. Вақт бизни ўтказади.

Қорин ташвиши! «Авқот» сўзи «вақт»дан олинган. Аввало бошдан инсоннинг мусибати овқат ейишдан бошланди. (Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан қувилишлари мана шу ерасини эсланг).

Инсон овқат ейишга маҳкум этилган мавжудот.

Инсон овқат ейиш учун яшамайди, яшаш учун овқат ейди.

КИМ ҚАЧОН ЯШАЙДИ!

Бировлар қорним тўйганда яшайман, деб ўйлайди.

Бировлар янги энгил кийганимда яшайман, деб ўйлайди.

Бировлар амалга минганимда, яшайман, деб ўйлайди.

Кимлардир, алҳазар, қотиллик қилганимда яшайман, деб ўйлайди. Ўлганимдан кейин яшайман, деб ўйлагувчилар ҳам кўп.

Камдан-кам одам... ақлли бўлганимда яшайман, деб ўйлайди.

ИККИ ТИЛ

Агар икки киши — олийгоҳ профессори билан мачитнинг имоми бир-бировидан юз газ нарида туриб илмий маъруза ўқиётган ва амри маъруф қилаётган бўлишса, одамлар қайси томонга талпинади? Аминманки, дин пешволарига қараб ошиқадилар. Сабаби, олийгоҳ домласи нима дейиши барчага олдиндан маълум. Гапи билан амали айри. У шундай нутқ ирод қиладики, нима деяётганини баъзан ўзи ҳам тушунмайди. Сохта «илмий» тилда, қурама «шевада» сўзлайди. Маърузаси аксарият, коммунизм ваъда қилиш билан тугайди. Мударрис ёки имом бўлса, ҳар қандай мураккаб мавзуда ҳам одамдай сўзлайди. Ёлғон гапирмайди. Ўз эътиқодига хиёнат қилмайди.

БАДБИНЛИК

Бир тоифа одамларни биламан: улар бориб турган бадбинлар. Ҳамма нарсани нуқул инкор этаверади. Ўзлари эса ҳеч нарса яратолмайди. Ё раббий! Барча савобу гуноҳларини елкага илиб, вайрон бўлиб ётган бутун бир шаҳарни янгидан қурган, ер усти ва ер ости кошоналарини бунёд этган улуғ бир меъморни бадном қилмоқчи бўлишди. Не ажабким, ўша бадбин бандалар ҳатто ўзининг тўртта товуғига катак, қўтир эчкисига оғилхона қуришдан ҳам ожиз, ношуд кимсалар. Уларнинг «фалсафаси» қизиқ: гуноҳ қилишдан қўрқар эмишлар. Гуноҳдан шунчалар қўрқар экансан, билмайсанмики, ўзинг ёвузлик тимсолисан-ку, баччағар. Сенларнинг сохта тақводорлигингу, савобинг кимга ҳам керак!

ПУЛ

Бизнинг кўзимизни очдилар ва кўр қилдилар.

Бизнинг қаддимизни ростладилар ва букир қилдилар.

Бизни одам қилдилар ва одам бўлганимизга пушаймон қилдирдилар.

Зулмдан озод қилдилар ва абадий қийноққа маҳкум этдилар.

О, мактаб ва мадраса,, муаллим ва мударрис, дийним ва мазҳабим, эътиқод ва матлабим, усталар ва устозлар!

О, Маккайи мукаррама ва Мадинаи мунаввара!

Ё Ғавсул Аъзам пирим, Ғадой Селкин бувам!

О, ҳабибларим, ёру дўстларим!

О, дорилфунунлар, муаззам академия, ёзувчи-қаламкашлар даргоҳи, адабиёт ва санъат, ойнаи жаҳон, овознигор, матбуоту нашриёт!..

Нима қилиб қўйдинглар?

Тўғри, бўл дедингиз: бўлдим. Бировнинг ҳаққига жабр қилма дедингиз: жабр қилмадим. Дуруғ сўзлама дедингиз: гапирмадим. Алифдай бўл дедингиз: қотиб қолдим.

Энди бу ёғига нима қилайин?

Бозор — пул. Ор-номус — пул. Аҳлоқ-одоб — пул. Тарбия — пул. Муомала — пул. Обрў — пул. Илм-урфон — пул. Нафосату гўзаллик — пул. Қабоҳат — пул.

Пул, пул, пул...

НЕЧАНЧИ АСРДА ЯШАЯПМИЗ-А!

Байналмилаллик билан Ленин шоҳ кўчаларининг туташган жойида, шундоқ муюлишда қотиллик содир бўлди: аскарликдан қайтган бўз бола йигит бир уриб, уруш ногирони бўлган бувасининг жағини ушатди. Бувисини ўлдириб қўйди. Орадан йигирма кут ўтар-ўтмас, шаҳид бўлган кампир хотирасига учта қўй сўйилди, етти даҳа одамларни йиғиб, базми жамшид... э... худойи қилиб беришди.

Ҳамма мамнун.

МОҲИЯТ

Оқнинг оқлигини исботлаш учун қоранинг қоралигини шафе келтириш шарт эмас. Оқ қоранинг қора бўлгани учун оқ эмас. Қора оқнинг оқ бўлгани учун қора бўлмагани сингари. Оқ ўзича оқ, қора ўзича қора.

ЖУМБОҚ

Ҳаётда жумбоқларга бир хил жавоб йўқ. Чунки ҳаёт ўзи жумбоқ-да.

ЧЎПЧАК

Чўпчак деганда пуч нарса тушунилади. Ҳолбуки, чўпчаксиз ҳаётнинг ўзи пуч.

МУСИҚА

Ким қандай мусиқани ёқтириши ёки ёқтирмаслигига қараб, унинг қандай одамлигини билса бўлади.

ИНШО ЁКИ ДАЪВАТ

Ҳозир ёзса бўладиган нарсани эмас, ёзмаса бўлмайдиган нарсани ёзиш керак.

ТАРИХ

Тарих бу шунчаки музей осори-атиқалари, кечаги асотирлару, чўпчакнамо ривоятлар эмас. Тарих фақат ўтмиш ҳам эмас, бу — бугунимиз ва эртамизга эш бўлган давомий ва абадий барҳаёт жонли ҳаёт. Аждодлар билан авлодларни боғловчи кўприк. Оёқни қанчалик маҳкам тирамайлик, бугунимиз ўтиб кетади. Эртага эса ўзимизнинг кечаги кунимизга, тарихимизга қандай муносабатда бўлганимизга қараб бизга баҳо берадилар. Ҳозир бизнинг нечоғли яшовчанлик қобилиятига эга эканлигимиз кечаги кунимизга бўлган изтиробли, зиддиятли, оғир муносабатда қанчалик туриб беролганимиз, адолат туйғусига қанчалик содиқ бўлиб қола олганимиз билан ўлчанади. Тамал тошимиз — тарих.

ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗИНИНГ САВОБ ЙЎЛИДА ҚИЛАЁТГАН ИШЛАРИ БИЛАН КЎПЧИЛИККА ТАНИЛГАН

Руҳий дуогўй табиб Дилбархоним СОБИРЗОДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА ЖОЙЛАШГАН

АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИДА

ЖУМА ВА ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00. ДАН 16.00 ГАЧА ИЛОҲИЙ ҚУЧЛАР ТАЪСИРИДА ЗИКР-СИНО УСУЛИ БИЛАН

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Бош оғриғи, бел оғриғи, юрак сиқиши, буйрак-жигар, ошқозон, кўз касалликлари, қандли диабет, тери касалликлари, нафас сиқиши касалликлари билан оғриган беморлар даволаш мобайнида дарддан халос бўладилар.

Булардан ташқари дуо орқали бахт йўли боғланганларга, ҳаётда омади юришмаганларга ҳамда қийинчиликка дуч келганларга бўлиб ўтган ҳаётий масалалар бўйича ёрдам қилади.

Ҳар бир инсонни олдиндан қаери оғриётганини ёки қандай дарди борлигини айтиб беради.

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИГА КЕЛИНГ, ШИФО ТОПАСИЗ!

БИККС

АГАР СИЗ НОЗИК ДИД ВА ЕТАРЛИ МАБЛАҒ СОҲИБИ БЎЛСАНГИЗ ВА СИЗНИНГ ХИЗМАТ БИНОИНГИЗ ТАЪМИРТАЛАБ БЎЛИБ ҚОЛГАН БЎЛСА, ДЕМАК СИЗ БИЗБОП МИЖОЗ ЭКАНСИЗ!

Фақат «БИККС»дагина қуйидаги манзарали пардозлаш элементларининг тўлиқ тўплами зарур манзилга элтиб ва ўрнатиб берилади:

ЗАРҲАЛ ВА ОҚ ТУСЛИ АЛЮМИНИЙДАН ТАЙЁРЛАНГАН ОСМА ШИФТЛАР;

АНСАМБЛГА БЕТАКРОР ЁРУҒЛИК САМАРАСИНИ БАХШ ЭТУВЧИ АЖОЙИБ ШАМЧИРОҚЛАР;

МАРМАР, МАЛАХИТ ВА БОШҚА АСЛ ТОШЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУРЛАРИГА МОС РАНГЛАРДАГИ ВА ҲАР ХИЛ ЎЛЧАМЛАРДАГИ «ЭКОГРАН» ПАРДОЗЛАШ КОШИНЛАРИ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700146, Тошкент шахри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-уй. «Алина» кичик жорий этиш корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 90-94-85, 98-64-53, 68-70-35.

«АЛИНА» КИЧИК ЖОРИЙ ЭТИШ КОРХОНАСИ.

«САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУҒУРТА БОШ БОШҚАРМАСИ ВА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ БОШҚАРМАЛАРИ

40 хилдан зиёд суғурта хизмати кўрсатишни таклиф этади. Улар турли суғурта ҳодисаларидан ва табиий офатлардан сизнинг соғлиғингизни, уй-жойингизни ва транспорт воситаларингизни, шунингдек, сизнинг корхонангиз мулкини ва ташиладиган юкларни бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилади.

Бир йил муддатга тузилган ҳаётингизни суғурта қилиш шартномасига кўра суғурта муддати тугагандан сўнг суғурта суммасига ўн фоиз қўшиб берилади. Бир йилдан ортиқроқ муддатга тузилган ҳаётингизни суғурта қилиш шартномаси бўйича эса суғурта суммасига шартнома муддати тугагандан сўнг 20 фоиз қўшиб берилади, бунда суғурта шартномаси муддати мобайнида олинган жароҳат учун тўланган суғурта суммаси тўлангандан қатъи назар қўшиб берилади.

Бундан ташқари биз қуйидагиларни суғурта қиламиз:

— болалар ва никоҳни;
— мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан;
— спортчилар ва такси ҳайдовчиларини;
— Қурилиш отрядларида ва қишлоқ хўжалик ишларида қатнашадиган студентлар ва техникумларнинг ўқувчиларини;
— хавфли портлаш ишларида машғул бўлган ишчиларни;
— командировка қилинганлар ва туристларни;
— барча транспорт турдаги йўловчиларни;
— диний ташкилотлар хизматчиларини;
— ишсизликдан;
— кўча-кўйдаги қурилишлар ва молмулкни;
— уйлардаги мол-мулк ва радиотелеаппаратураларни;
— автомашиналар ва мотоцикларни;
— ҳайвонлар ва асалари уйчаларини;
— зотдор итларни;
— фермер хўжаликлари молмулкини;
— ташиладиган юкларни ва ҳоказо.

Бизда тариф ставкалари энг пастдир ва қатъий кафолат берилади.

Аҳолининг шахсий пулларидан ташқари корхоналарнинг маблағлари ҳисобига шартнома тузилиши мумкин.

Биз сизга 72 соат ичида тўловларни берамиз.

Суғурта шартномаси тузишнинг барча масалалари бўйича Давлат суғурта бошқармаларининг ўзингизга энг яқин бўлган инспекцияларига ёки бевосита суғурта агентига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУҒУРТА БОШ БОШҚАРМАСИ.

Телефонлар: (37-12) 76-92-38, 76-93-42, 76-93-46.

БИЛАСИЗМИ?

ЭНГ УЗУН ВА ЭНГ ОҒИР...

● Америкалик Ганс Ланозетнинг соқоли энг узун ҳисобланади. Унинг узунлиги 3 метру 45 сантиметрдир. У соқолини тугиб юради.

● Энг оғир киши америкалик Роберт Хюджасдир. Унинг оғирлиги атиги...483 килограмм бўлган.

ЭНГ КАТТА ВА КИЧИК

● Дунёда энг катта маймун горилладир. Унинг бўйи 2 метр, оғирлиги 250 килограмм. Энг кичкина маймун мармозет бўлиб, у Жанубий Америка чангалзорларида яшайди, бўйи 20—25 сантиметр, оғирлиги 250—500 грамм.

ЭНГ ПАСТ БУЙИ ОДАМЛАР

● Ер юзида яшовчи энг паст бўйли одамлар — пигмейлардир. Эркакларининг бўйи 140 сантиметрдан ошмайди, аёллари бўлса улардан ҳам паст. Пигмейлар Африканинг экватор қисмидаги ўр монзорларда, Конго дарёси ҳавзаларида ва Итури дарёси қирғоқларида яшашади.

Ер чангитиб чаман кезиб
Елдек еласан,
Бизни рози қилсанг, биздан
Розн бўласан.
Семириб кетма, семириб кетсанг,
Қази бўласан!...

Мақсад ЯХШИЕВ шеърлари.

БОТИР ҚУЁН

Қуён ўрмонда чопиб кетаётган эди, бирдан сўқмоқда ётган шерга кўзи тушди. У қўрқувдан жуфтакни роспламоқчи ҳам бўлди-ю яна иккиланди. Чунки ҳайвонлар подшоси ўзини жудаям ювош тутаётганди. Қуён секингина шерга яқинлашиб, уни айланиб ўтмоқчи бўлувди, қараса ҳеч иложи йўқ — шер сўқмоқни бутунлай эгаллаб ётибди. Шунда қуён астагина деди:

Ш-шер-ака, ш-ш-шер ака!

— Ҳа, шалпангқулоқ, нима гап? — ҳорғин ғўлдиради шер.

— Устингиздан сакраб ўтсам майлими? — янада паст овозда сўради қуён.

— Сакрайвер.

— Шер ака, н-нега бу ерда ётибсиз? — қизиқди у.

— Шундай ўзим, — жавоб берди шер.— Қопқонга тушиб қолдим.

Шу заҳоти қуёндаги қўрқув қаёққадир йўқолди. У шернинг устидан мардона сакраётиб унинг бўйнига бир тепди ва чулдиради:

— Оёғим остида ҳар хил қаланғи-қасанғилар ўралашганига ўлайми!..

Виталий СЕРОВЕЦ.

● *Ҳодиса*

«ҚОПЛОН» ПАНЖАСИДАГИ ЎҒРИ

● Фарғона шаҳар Луначарский кўчасидаги 44-уйда «Қоплон» лақабли ит ўғрини ушлади. Воқеа бундай бўлган эди: Хонадон соҳиблари меҳмонга кетиб, уйда ҳеч ким қолмаганидан фойдаланмоқчи бўлган Алексей девор ошиб ҳовлига тушади. Уйнинг дераза ойнасини кўчиради-ю, темир панжарадан ўтишнинг иложини тополмайди. Шундан кейин ошхона ойнасини кўчириб уйга ўтаман деганда, «Қоплон» шиддат билан унга ташланиб, уни йиқитади ва ёқасидан тишлаганча ерга босиб олади. Бундай бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган ўғрининг ит чангалидан қутилиши учун барча ўрнинишлари беҳуда кетади. «Қоплон» асирни бақувват панжалари остида уч соатлар чамаси ушлаб туради. Бу орада уй эгалари қайтиб келишади. Улар воқеани тушуниб, шаҳар ички ишлар бўлимига хабар беришади. Тезда етиб келган милиция чақирилмаган «меҳмон»нинг итнинг чангалидан қутқариб олади.

Маълум бўлишича, ўғри Фарғона пойабзал фабрикасининг ишчиси А. Дубнинин экан. У илгари судланган, 1991 йил апрелида уч йилга озодликдан маҳрум этилган, лекин ёшини ҳисобга олиб, жазо муддати қисқартирилган экан. Урганган кўнгил — ўртанса қўймас, деб шунга айтишса керак-да. Энди унинг бир жиноятн ники бўлди.

Р. КАМОЛОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир; С. СИРОЖИДДИНОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП,
Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.00 Г—512. № 244. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.